

## СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАР ШАРОИТИДА БАҲОРГИ НЎХАТДА ВЕГЕТАЦИЯ ДАВРИ ВА БИОМЕТРИК КЎРСАТГИЧЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ

Д. Ў. Жўраева

Жанубий дәҳқончилик илмий тадқиқот институти таянч докторанти

А. А. Абдиев

Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти доценти

### АННОТАЦИЯ

Мақолада нўхатнинг хориждан келтирилган ҳамда маҳаллий нав ва тизмаларини баҳорги муддатда экиб ўрганилганда, ўсув даври давомийлиги, шунингдек, ўсимлик бўйи, дон сони ва дуккаклар сонига иқлим шароитларининг таъсири ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** вегетация даври, ўсимлик бўйи, дон сони, дуккаклар сони, иссиқлиқка чидамлилик.

### КИРИШ

Кўпгина нўхат етиштирувчи мамлакатларда нўхатни баҳорда экишга одатланган. Шу сабабли ҳам айрим қурғоқчилик йилларида нўхатдан жуда кам ҳосил олинади. Кейинги йилларда нўхатни кеч кузда, қишда ва эрта баҳорда экиш агротехникасини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Дастраслабки натижалар бўйича нўхат қишда ёки кузда экилса 50 – 100% фойда олиш мумкинлиги ўрганилган (Балашова, 2003).

Агар нўхат мақбул муддатларда экилса ҳаво ҳароратининг ошиб кетишигача ҳосили шаклланиб улгуради. Нўхат эрта гуллайди, гуллаш даври ҳам узокроқ давом этади. Юқори ҳосил етиштиришнинг асосий кўрсаткичи бўлган намлик ва ҳаво ҳароратининг етарли даражада бўлиши, вегетация даврининг ҳам бирмунча давомли бўлиши билан баҳоланади. Бундай қулай шароитда нўхатнинг ер устки ва илдиз тизими яхши ривожланади, илдизда кўпроқ туганак бактериялар тўпланади, кучли шохланиб, бўлиқ ва йирик дон ҳосил қиласи [1].

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

И. Ҳ. Ҳамдамов, Н. Ж. Ходжаева, С. Б. Мустанов (2005) лар нўхатни Самарқанд вилояти Ургут тумани тоголди адир ҳудудидаги суғориладиган бўз тупроқлар шароитида баҳорда ҳар хил муддатларда экиб, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганган [2].

Тадқиқотлар хуносаларига кўра, нўхат уруғлари эрта баҳорда экилганда

Entry	Name	Униб чиқиши, санасана	Пинини, санасана	Пинишгач а бўлган кун	Бир туп ўсимликда дуккаклар сони, дона				Бир туп ўсимликда ги доналар сони, дона
					1 донли	2 донли	3 донли	Жам и	
1	Полвон (ст)	24 мар	14 июн	82	28	3		31	34
2	Зумрад (ст)	25 мар	14 июн	81	30	3		33	36
3	Обод (ст)	24 мар	14 июн	82	36	2		38	40
4	KR20-LCAYT-RF-2	23 мар	10 июн	79	49	3		51	54
5	KR20-LCAYT-RF-3	24 мар	10 июн	78	50	2		52	54
6	KR20-LCAYT-RF-5	23 мар	10 июн	79	66	6		72	78
7	KR20-LCAYT-RF-6	23 мар	8 июн	76	51	2		53	55
8	KR20-LCAYT-RF-9	24 мар	8 июн	76	44	5		49	54
9	KR20-LCAYT-RF-14	22 мар	7 июн	76	46			46	46
10	KR20-LCPYT-RF-22	25 мар	6 июн	73	41			41	41
11	KR20-CAT-4	23 мар	14 июн	84	70			70	70
12	KR20-CAT-31	24 мар	10 июн	78	20	39	3	62	106
13	KR20-CAT-34	22 мар	6 июн	77	30	5		35	41
14	KR20-CAT-35	23 мар	10 июн	79	51	10		61	71
15	KR20-CICTN-3	24 мар	10 июн	78	53	2		55	57
16	KR20-CICTN-11	24 мар	7 июн	75	22	16	1	39	58
17	KR20-CICTN-14	22 мар	13 июн	83	38	4		42	46
18	KR20-CIEN-LS-12	24 мар	6 июн	75	56			56	56
19	KR20-CIEN-LS-14	23 мар	7 июн	75	53	2		55	56
20	KR20-CIEN-LS-34	24 мар	12 июн	80	40	19		59	78
Юқори кўрсаткич					25 мар	16 июн	86		106
Ўртча кўрсаткич					23 мар	10 июн	79		47
Паст кўрсаткич					22 мар	6 июн	73		24
ЭКФ 0,05 ц/га							2,82		
ЭКФ 0,05 (%)							3,6		
CV (%)							2,2		

уругларнинг униб чиқиши учун энг яхши шароитлар яратилади, шунингдек, вегетация даврида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишининг янада яхшиланишига ёрдам беради. Кеч муддатда экиш билан тупроқдан намликнинг интенсив буғланиши содир бўлади, уруғларнинг униб чиқиши сусайди, тупроқда намлик етишмаслиги юқори ҳаво ҳарорати ва кучли қуруқ шамол билан қўшилади, бу ўз навбатида

ўсимликларнинг ҳосилдорлигини пасайишига олиб келади [3].

Хориждан келтирилган ҳамда маҳаллий нўхат нав ва тизмалари Жанубий дехқончилик ИТИ нинг Қарши туманида жойлашган тажриба даласида экиб ўрганилди. 50 та нав ва тизмалар  $5 \text{ m}^2$  пайкачада, 3 қайтариқда 4-5 см чуқурликда экилди. Экиш 1 март кунида амалга оширилди. Андоза навлар сифатида маҳаллий Полвон, Зумрад ва Обод навлари олинди.

Барча дон ва дуккакли экинларининг асосий ривожланиш даври март-май ойлари ҳисобланади. Ушбу даврда ҳавонинг нисбий намлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. 2021 йил мавсумида ёғин миқдорига мос равишда феврал ойидан бошлаб ҳавонинг нисбий намлиги пасайиб борди. Март ойининг биринчи ҳафтасида экилиб, ўрганилган тажрибада ҳаво нисбий намлигининг пастлиги ва ёғин миқдорининг кам бўлганлиги, нав ва тизмалар орасидан иссиқликка чидамли бўлган ўсимликларни табиий равишда ажратиб олишга сабаб бўлди. Тадқиқот давомида намуналарнинг ривожланиш фазалари 6 та фазаларга бўлиниб қайд этиб борилди. Тажрибадаги ўсимликларда униб чиқиш 22-25 март санасига тўғри келди.

Уруғлар 21-24 кунда тўлиқ униб чиққанлиги кузатилди.

### 1-жадвал.

#### Нўхат нав ва тизмаларининг ўсув даври ҳамда биометрик ўлчов натижалари (Қарши, 2021 йил).

Тўлиқ шохланиш фазаси униб чиқишдан 20-25 кун ўтгач қайд этилди. Бу 12-20 апрел кунларига тўғри келди.

Нав ва тизмаларининг ўсув давридаги олиб борилган кузатувларга кўра, ғунчалаш фазаси 27- апрелдан 8- май оралиғида ўтганлиги қайд этилди.

Гуллаш даври 4-16 май кунлари оралиғида давом этди. Ғунчалашдан гуллаш фазасига ўтища 12 кундан 16 кун мобайнода давомийлик аниқланди. Андоза Полвон ва Зумрад навида гуллаш санаси 15 майда, Обод навида 12 майда қайд этилди.

Нўхат нав ва тизмаларининг гуллашдан дуккаклаш фазасига ўтиши 17 майдан 23 май кунлари орасида кузатилди. Униб чиқишдан дуккаклашгacha бўлган давр 55-61 кундан иборат бўлди.

Дуккакли ўсимлиқдарда ўсув даврининг сўнгги фазаси тўлиқ пишиш 6-16 июн кунларида аниқланди. Андоза навлар Полвон, Зумрад ва Обод навларида тўлиқ пишиш санаси 14 июнга тўғри келди.

Ўсимликларда тўлиқ пишишгача бўлган кунлар ҳисоблаб чиқилганда, вегетация даври давомийлиги 73 кундан 86 кунгacha бўлганлиги аниқланди.

Полвон ва Обод навларида ўсув даври давомийлиги 82 кунни, Зумрад навида 81 кунни ташкил қилди. Андоза навларга нисбатан энг эрта пишган тизмалар сони 32 тани ташкил қилган. 17 та тизмалар энг эрта пишган бўлиб, ўсув даври 76-77 кундан иборат бўлди. Кечпишар тизмалар сони эса 5 та эканлиги кузатилди.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тажриба даласида ўсимликлар бўйи, дон сони ва дуккаклар сони бўйича хам ўлчовлар ўтказилди.



Ўсимлик бўйи ҳар бир нав ва тизманинг ўзига хос хусусияти бўлиб, ўзгариб туради. Андоза нав Полвонда ўсимлик бўйи 33 см, Зумрад навида 39 см, Обод навида 32 см гача бўлди. Ушбу андоза навлар кузги муддатда экилгандагига нисбатан бироз паст бўйли бўлганлиги аниқланди. Бунга баҳор ойларида ҳаво ҳароратининг қуруқ ва иссиқ келганлиги таъсири кузатилган. Ўсимликларнинг ўртача бўйи 30 см дан 48 см гача бўлганлиги қайд этилди.

Шунингдек, 1, 2 ва 3 донли дуккаклар сони аниқланди. 2 донли дуккаклар сони бўйича KR20-CAT-31, KR20-CICTN-11 тизмалирида юқори кўрсаткичлар кузатилди. Умумий дуккаклар сони бўйича андоза навларга таққослаганда, 25 та тизмаларда устунлик аниқланди.

Бир туп ўсимликтаги донлар сони 24 тадан 106 тагача борлиги аниқланиб, дала дафтарига белгилаб борилди. Энг кўп дон сони KR20-CAT-31 тизмасида 106 тани ташкил қилди. Битта ўсимликтаги донлар сони 23 тизмада андоза навларга қараганда, юқори натижаларни намоён қилди.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, нўхат ҳосилдорлиги ўсимликтаги дуккаклар сони билан узвий боғлиқ қўрсаткич бўлиб, нафақат дон сони, ўсимлик бўйи ҳам экиш муддатлари таъсирида ўзгариши олиб борган тадқиқотларимизда кузатилди. Иссиқликка чидамлилик ҳусусиятларига кўра KR20-CIEN-LS-34 ,KR20-LCAYT-RF-9, KR20-LCPYT-RF-19, KR20-CIEN-LS-14, KR20-CIEN-LS-28 тизмалари танлаб олинди ва селекция ишларига жалб қилинди.

## REFERENCES

1. Олейник П. П. Рекомендации по возделыванию нута на богарных землях Узбекистана. НИИБЗ. – Ташкент, 1972. – С.13-14.
2. Ҳамдамов И. Ҳ., Ходжаева Н. Ж., Мустанов С.Б. Разветие и урожайность сортов нута при различных весенних сроках посева // Фан чорраҳалари. Илмий тўплам. – Самарқанд, 2005. – 123-137 б.
3. Елжан Е. и др. Урожайность и экономическая эффективность возделывания нута в условиях юга Казахстана //Евразийский союз ученых. – 2016. – №. 2-5 (23). – С. 62-64.